

2026 йил 8-июн

## **“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси Чирчиқ кимё индустриал технопаркида тадбиркорлар билан учрашди**



“Чирчиқ” кимё-индустриал технопаркида Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидан таширф буюрган делегациялар ва тадбиркорлар иштирокида учрашув ташкил этилди.



Тадбир доирасида “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси соҳадаги инвестиция имкониятлари, саноат кооперациясини кенгайтириш ва янги ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш масалалари юзасидан тадбиркорлар билан фикр алмашди. Суҳбат чоғида ҳудудларда замонавий саноат майдонларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш занжирларини шакллантириш ҳамда бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари муҳокама қилинди.



Шундан сўнг меҳмонлар технопаркда яратилган шарт-шароитлар, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ҳамда резидент корхоналарнинг фаолияти билан танишдилар.



Учрашув иштирокчилари “Чирчиқ” технопарки тажрибаси ҳудудларда юқори қўшимча қийматли sanoat лойиҳаларини ривожлантириш учун муҳим намуна бўлиб хизмат қилишини таъкидладилар.







**source:**

"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/uzkimyosanoat-azh-boshqaruvi-raisi-chirchiq-kimyo-industrial>